

Қимматли қоғозлар бозорида ахборотларни тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига
3-6-ИЛОВА

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ							
1.	Тўлик:			Акциядорлик жамияти шаклидаги «Uzsalaman» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси			
	Қискартирилган:			«Uzsalaman» ҚҚ АЖ			
	Биржа тикерининг номи:*						
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ							
2.	Жойлашган ери:			Фарғона ш. Б.Марғинович кўчаси 62-уй			
	Почта манзили:			Фарғона ш. Б.Марғинович кўчаси 62-уй			
	Электрон почта манзили:*			uzsalaman@mail.ru			
	Расмий веб-сайти:*			www.uzsalaman.uz			
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ							
Муҳим фактнинг рақами:			06				
Муҳим фактнинг номи:			Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар				
Умумий йиғилиш тури:			йиллик навбатдан ташқари				
Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:			02.03.2021				
Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:			11.03.2021				
Умумий йиғилиш ўтказилган жой:			Фарғона ш. Б.Марғинович кўчаси 62-уй				
Умумий йиғилиш кворуми:			47,14				
		Овоз бериш яқунлари					
№	Овоз беришга қўйилган масалалар	ёқлаш		қарши		бетарафлар	
		%	сони	%	сони	%	сони
3.	1. Жамият уставига янги таҳрирни тасдиқлаш йўли билан ўзгартириш киритиш	100	333173	0	0	0	0
	2. Эълон қилинган акциялар сонини қўпайтириш	100	333173	0	0	0	0
	3. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият устав капитали миқдорини қўпайтириш	100	333173	0	0	0	0
	4. Қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ва қўшимча чиқариладиган акцияларни жойлаштириш шартлари ва тартибини тасдиқлаш	100	333173	0	0	0	0
	5. Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш	100	333173	0	0	0	0
Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:							
1.	Жамият уставига янги таҳрирни тасдиқлаш йўли билан ўзгартириш киритилсин ва тасдиқлансин.						
2.	Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган акцияларнинг миқдорини, 1 000 000 (бир миллион) донадан 8 000 000 (саккиз миллион) донага қўпайтирилиб, номинал қиймати 2310,3171 сўм бўлган 8 000 000 (саккиз миллион) дона оддий эгасининг номи ёзилган акциялардан иборат этиб белгилансин						
3.	«UZSALAMAN» АЖ ҚҚ устав капитали миқдорини номинал қиймати 2310,3171 сўм бўлган 1 000 000 (бир миллион) дона умумий қиймати 2 310 317 100 (икки миллиард уч юз ўн миллион уч юз ўн етти минг бир юз) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли						

билан 1 632 680 301,72 (бир миллиард олти юз ўттиз икки миллион олти юз саксон минг уч юз бир сўм етмиш икки тийин)дан 3 942 997 401,72 (уч миллиард тўққиз юз қирқ икки миллион тўққиз юз тўқсон етти минг тўрт юз бир сўм етмиш икки тийин)га кўпайтирилсин

4. 4.3. «UZSALAMAN» АЖ ҚҚнинг номинал қиймати 2310,3171 сўм бўлган 1 000 000 (бир миллион) дона умумий қиймати 2 310 317 100 (икки миллиард уч юз ўн миллион уч юз ўн етти минг юз) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий, ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акциялари муомалага чиқарилсин.
- 4.4. Қўшимча акцияларни жойлаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартлари қўйидагича тасдиқлансин:
- Чиқарилаётган акциялар тури – эгасининг номи ёзилган оддий акциялар.
 - Чиқарилаётган акциялар сони – 1 000 000 (бир миллион) дона.
 - Чиқарилаётган акцияларнинг номинал қиймати – 2310,3171 сўм.
 - Чиқарилишининг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича) – 2 310 317 100 (икки миллиард уч юз ўн миллион уч юз ўн етти минг бир юз) сўм.
 - Акцияларни жойлаштириш усули – Ушбу чиқарилишдаги акциялар акциядорларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини тақдим этиш орқали “RIVERA-IMPEKS” МЧЖ га ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади. Акциядорлар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланмаган ёки қисман фойдаланган тақдирда, қолган барча акциялар ёпиқ обуна орқали жамият акциядори “RIVERA-IMPEKS” МЧЖ га жойлаштирилади.
 - Акцияларни жойлаштиришнинг муддати – Чиқарилаётган акциялар Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 90 (тўқсон) кун муддатда жойлаштирилади.
 - Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот ҳамда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги билдиришнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида ошкор қилинган кундан эътиборан 15-(ўн бешинчи) кун. Бироқ имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати ўтгунига қадар Жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, акцияларни жойлаштириш ушбу аризалар келиб тушган кундан кейинги иш кунда бошланади. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунидан бошланади.
 - Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – Ушбу чиқарилишдаги энг охириги акция жойлаштирилган сана. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, мазкур чиқарилиш Капитал бозорини ривожлантириш Агентлигининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 90 (тўқсон) кундан ошмаслиги лозим.
 - Акцияларни жойлаштиришнинг тартиби – Ушбу чиқарилишдаги акциялар Жамият томонидан мустақил равишда, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини жалб этмасдан жойлаштирилади. Қўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 35-36-моддаларига асосан Жамият акциядорларига имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини тақдим этиш орқали ёпиқ обуна усулида амалга оширилади. Акциялар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи орқали жойлаштирилаётганда акциядорлар билан биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан тўғри фуқаролик – ҳуқуқий битимлари тузилади. Акциядорлар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланмаган ёки қисман фойдаланган тақдирда имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугагач қолган барча акциялар ёпиқ обуна орқали жамият акциядори “RIVERA-IMPEKS” МЧЖга тўғридан тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битими тузиш йўли билан жойлаштирилади.
 - Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби – Ушбу чиқарилишдаги акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2021 йил 18 февраль ҳолатига шакллантирилган жамиятнинг акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади. Жамият акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан 10 (ўн) кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуқига эга бўлган акциядорларига акцияларни мазкур акциядорларда мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда олишни таклиф этади. Билдиришнома матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 14 (ўн тўрт) кун давомида амал қилади.

Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар Жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми – шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Жамиятга тақдим этилиши керак.

- Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш баҳоси – Ушбу чиқарилишдаги акциялар инвесторларга, шу жумладан имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларга ҳам 2311 сўм (икки минг уч юз ўн бир сўм) нархда жойлаштирилади.

- Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби – Ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади. Акцияларни жойлаштириш жараёнида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади.

Акциялар учун тўловлар жамиятнинг кўйидаги ҳисоб рақамига тўланади:

Ҳисоб рақам: 20214000500228963001 , “Ўзсаноатқурилишбанк” Фарғона минтақавий филиали
МФО: 00494. ИНН-201039410

Қимматли қоғозлар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан қимматли қоғозлар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби – Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун тўланган маблағларнинг қайтарилиши кўйидагича амалга оширилади:

«UZSALAMAN» АЖ ҚК томонидан ушбу ҳолат тўғрисида ўрнатилган тартибда расмий маълумот (Қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга ошмаган деб топиш ҳаётидаги муҳим факт – 28) «UZSALAMAN» АЖ ҚК расмий веб-сайтида (www.uzsalaman.uz), «ТОШКЕНТ» Республика фонд биржаси расмий веб-сайтида (www.uzse.uz) ва Корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz) ошқор этилади.

Акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб топилган санадан сўнг 3 (уч) иш куни давомида акциялар учун тўланган маблағлар инвесторларнинг аризаларида кўрсатилган банк ҳисобварақларига пул маблағини кўчириш йўли билан тўлиқ ўтказиб берилади

5. 5.1. «UZSALAMAN» АЖ ҚК акциялари кўшимча чиқарилиши тўғрисида қарори 1 – иловага мувофиқ тасдиқлансин.
5.2. «UZSALAMAN» АЖ ҚК акциядорлари умумий йиғилиши ушбу қарорини ижро этилиши бўйича жавобгарлик Жамият Кузатув кенгаши раиси Р.М. Ишанкулов зиммасига юклатилсин.

Уставга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларнинг матни**

Янги тахрирдаги устав тасдиқланди